



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Эшмуродов Аббос Илёсович

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси

Аннотация: ушбу мақолада прокурор назорати, унинг тарихи, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунчилик, вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси устидан прокурор назорати тушунчаси, хусусияти ва заруратига фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: прокурор, прокурор назорати, вояга етмаган, ўлим жазоси, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси.

Аннотация: В статье изложены мнения о прокурорском контроле, его истории, законодательстве о несовершеннолетних, понятии, сущности и необходимости прокурорского контроля за профилактикой правонарушений несовершеннолетних.

Ключевые слова: прокурор, прокурорский надзор, несовершеннолетние, смертная казнь, безнадзорность несовершеннолетних, профилактика правонарушений.

Abstract: This article presents opinions on prosecutor's control, its history, legislation minors, the concept, nature and necessity of prosecutor's control over the prevention of delinquency among minors.

Keywords: prosecutor, prosecutor supervision, juvenile, death penalty, lack of supervision among minors and prevention of delinquency.



Қайд этиш лозимки, бугунги кунда вояга етмаганларнинг хуқуқбузарлигини олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган ишлар нафақат минтақа доирасида, балки халқаро миқёсда изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Айниқса, глобализация шароитида вояга етмаганларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган хуқуқий базани янада такомиллаштириш, йилдан-йилга халқаро ҳамжамиятга тобора кўпроқ интеграция қилиш вояга етмаганлар соҳасидаги **халқаро стандартларни** миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

XIX асрда индустриал ривожланган давлатларда ноёб ижтимоий ҳодисага дуч келинди, яъни бу замонавий назоратсиз болалардир.

Бу бутун халқаро ҳамжамият олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.



Демак, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар гирдобада қолиб кетган ҳозирги замонавий жамиятда болалар назоратсизлиги муаммоси ўз долзарблигини йўқотмаган, балки уни ўрганиш ва тадқиқ қилиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда.

Жаҳон ҳамжамятида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг долзарб ҳуқуқий масалалардан бири бўлиб, умуминсониятнинг диққат марказидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг таркибий қисми ҳисобланади⁶².

Маълумки, вояга етмаганлар ҳуқуқларига оид бир қатор **халқаро ҳужжатлар ва стандартлар** мавжуд

Дастлаб вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартлар хусусида сўз юритганда “Бола ҳуқуқлари Конституцияси” деб ном олган, бола ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқнинг умумътироф этилган нормалари даражасига кўтарган биринчи мажбурий ҳужжат **“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга** тўхталиб ўтиш лозим.

Конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган.

Таъкидлаш керак Конвенция 1959 йилда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари Декларацияси” қоидаларини анча ривожлантирди.

Бугунги кунда Конвенция талабларини дунёнинг **200**га яқин мамлакатлари тан олган.

Қайд этиш керак, “Бола ҳуқуқлари Женева Конвенцияси” (26.09.1924 й.), “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” (10.12.1948 й.) ва “Бола ҳуқуқлари” (20.11.1959 й.) Декларациясида вояга етмаганлар доирасини белгиловчи норма мавжуд эмас эди⁶³.

Мазкур тушунчага янги даврга келиб, яъни 1989 йилдаги БМТнинг “Бола ҳуқуқлари” Конвенциясида **“бола”** тушунчасига тариф берилади.

Ушбу Конвенциянинг 1-моддасида берилган таърифга асосан, бола бу агар қонун бўйича вояга етганлик олдиндан белгиланмаган бўлса, **18 ёшга тўлмаган** ҳар қандай инсон бола ҳисобланиши қайд этилган.

Шунингдек Конвенцияга мувофиқ, болалар нафақат пассив ғамхўрлик объекти сифатида, балки махсус ҳуқуқлар тўпламига эга шахслар сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларни қабул қилишга устувор аҳамият берилди.

Хусусан, 1992 йилнинг 9 декабрь санасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги Қарори қабул қилинди.

Бу дегани мамлакатимиз ҳам мазкур халқаро ҳужжатда назарда тутилган нормаларни миллий қонунчиликни қўллашда бажаришни ўз зиммасига олади.

⁶² Рустамбаев М.Х. Права человека начинаются с прав ребёнка//”Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати”мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: Янги аср авлоди, 2006. Б.12

⁶³ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. –Тошкент. Адолат, 1999. -80 б.





Хусусан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 3-моддасида болалар ғамхўрлиги ёки уларнинг ҳимоясига масъул бўлган муассаса, орган ва хизматлар ваколатли ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган қоидаларга риоя қилишлари шартлиги белгилаб қўйилган⁶⁴.

Бунинг учун Конвенцияга аъзо давлатлар болаларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур ҳимоя ва ғамхўрликни таъминлаб бериш мажбуриятини олган.

Шу билан бирга, Конвенциянинг **20-моддасида** вақтинчалик ёки бутунлай оиласидан узоқлашган ва маълум сабабларга кўра оиласида қолиш имконига эга бўлмаган болалар давлат томонидан алоҳида ҳимоя қилиниши белгиланган.

Кўриниб турибдики, Конвенция билан турли сабабларга кўра, эътиборга ва ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш ва ҳимоясига олиш мажбурияти давлатга юкланмоқда.

Агар вояга етмаган шахсларга алоҳида эътибор ва кўмак берилмаса, уларнинг ташқи муҳит ҳамда ёд ғоялар таъсирига тушиб қолиши бунинг натижаси эса аянчли оқибатлар билан тугаши ҳеч кимга сир эмас.

Бундан ташқари, Конвенциянинг **40-моддасида** жиноят қонунчилигини бузганликда айбланаётган ёки айбдор деб топилган ҳар бир боланинг кадр-қиммати камситилмаслиги ҳамда жавобгарлик қўллашда боланинг ёши ва унинг жамиятда фойдали ўрин тутишига кўмаклашиш имконияти ҳисобга олиниши, шунингдек ҳеч бир бола ҳаракат содир этилган вақтда миллий ёки халқаро ҳуқуқда тақиқланмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сабабли жиноят қонунчилигини бузган деб топилмаслиги лозимлиги қайд этилган.

Аввало ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан эмас, балки сабаблари билан курашиш, улар билан ишлаш энг самарали йўлдир.

Албатта ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаган шахсларни жазолашдан кўзланган асосий мақсад уларни тарбиялаш ва қолганларни ҳам ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги учун профилактика қилишдан иборатдир.


Фикримизни мантикий давомини қуйидаги халқаро ҳужжатларда кўришимиз мумкин.

Хусусан, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 14-моддаси тўртинчи бандида “Вояга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва уларнинг қайта тарбиялашга кўмаклашиш истаги инобатга олиниши лозим”лиги қайд қилинган⁶⁵.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш бўйича тавсиявий хусусиятга эга халқаро-ҳуқуқий нормалар ҳам мавжуд.

⁶⁴ Конвенция о правах ребенка. Принята резолюцией 44/25 Генеральной Ассамблеи от 20 ноября 1989 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml

⁶⁵ Действующее международное право. В 3-томах. Составители Ю.М.Колосов, Э.С.Кривчикова. Т.2, –М.: Издво Московского независимого института международного права. 2017. –С.69.





Улар 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-резолуция билан қабул қилинган бўлиб, вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартларида ўз аксини топган.

Ушбу ҳужжатнинг якуний матни Пекинда бўлиб ўтган экспертлар кенгашида тасдиқлангани сабабли, “Пекин қоидалари” деб ҳам юритилади.

Унда вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш ҳар бир давлатнинг миллий жиноят процессининг бир қисми бўлиб, унда барча вояга етмаганларнинг ижтимоий тенглигини таъминлаш, ёшларни ҳимоя қилиш ва жамиятда тартибни сақлаш вазифалари биргаликда ҳал қилиниши кўрсатилган.

Шунингдек, ҳужжатда вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини юритиш мақсади сифатида қуйидагилар белгиланган:

- вояга етмаганларнинг муносиб келажагини таъминлаш;
- таъсир чораларининг вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятлари ва содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқлиги;
- вояга етмаганларга нисбатан муайян турдаги жазо чораларининг қўлланилишининг чекланганлиги.

Шу билан бирга, “Пекин қоидалари”да суд муҳокамасида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича қуйидаги стандартларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- махфийлик сақланиши қоидасини мажбурий универсал принцип сифатида жиноят процессининг вояга етмаганларга оид барча босқичларига жорий қилиш;
- ўлим жазоси ва жисмоний азоб берадиган жазонинг қўлланилмаслиги;
- вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо ҳар доим сўнгги чора сифатида қўлланиши кераклиги;
- вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазонинг муддати минимал даражага туширилиши.

Кўриниб турибдики, халқаро ҳукукий ҳужжатларда ҳукуқбузарлик содир этган вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг аниқ, универсал ёши белгиланмаган, фақатгина минимал даражани белгиловчи умумий қоидалар кўрсатилган.

Мазкур қоидалардан келиб чиқиб, ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг миллий қонунчилигини шакллантиради ва амалиётга тадбиқ қилади.

Масалан, Европа давлатларининг кўпчилигида вояга етиш 18 ёшдан, фақат Австрияда 19 ёшдан, Швейцарияда эса 20 ёшдан ҳисобланади.

Шу сабабли, аксарият давлатларда жиноят ишларини юритишда вояга етмаганлик 18 ёшгача, айрим ҳолларда ундан ҳам юқори ёшни ўз ичига олади.

Жумладан, Болгария, Венгрия, Германияда жиноий жавобгарлик ёши 14 ёшдан, Греция ва Францияда 13 ёшдан, АҚШда штатлар қонунчилигига кўра 10 дан 17 ёшгача вужудга келади.





Россия, Хитой, Япония, Корея, Грузия, Беларусь, Молдова, Қозоғистон ва Украина давлатларида жиноий жавобгарлик 14 ёшдан бошланади.

Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилиш соҳасидаги **халқаро стандартлар** ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритилганда энг аввало, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш специфик характерга эгалиги, бу эса вояга етмаганнинг аксарият ҳолларда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишини англамаслиги, шунингдек уларни мустақил ҳимоя қилиш имконияти йўқлиги билан изоҳланади.

Шу нуқтаи назардан вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларидан бири **ювенал юстиция** ҳисобланади.

Ювенал юстиция халқаро атама бўлиб, вояга етмаганлар учун одил судлов ёки вояга етмаганлар суди маъносини англатади⁶⁶, яъни, “ювенал юстиция”ни вояга етмаганлар учун судлов институти дейиш мумкин.

Шу сабабли, ювенал юстициянинг суд органидан фарқли жиҳати шуки, у жамиятнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, уларга дахлдор масалаларни ҳал этишда қатнашади.

Шу жиҳатдан уни давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тизими ҳам дейиш мумкин.

Бунга мисол сифатида айтиш мумкинки, АҚШ, Франция ва Японияда ювенал юстиция тизими вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги билан боғлиқ суд жараёнида юзага келувчи васийлик, ҳомийлик, ота-онага нисбатан санкцияларни қўллаш, мулк ҳақидаги низо каби масалаларни кўриб чиқади.

Мазкур давлатларда вояга етмаганлар билан боғлиқ фуқаровий, маъмурий, хўжалик ва жиноий ишларни ҳал этиш мазкур юстиция ваколати доирасида ҳисобланади.

Бу эса ривожланган давлатларда судларнинг ихтисослашгани ва анча самарали тажриба тўпланганини кўрсатади. Бугунги кунда ихтисослашган вояга етмаганлар ишларини кўриб чиқиш ваколатига эга ювенал судлар дунёнинг 40 дан ортиқ давлатларида мавжуд⁶⁷.

Вояга етмаганлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро ҳужжатларга тўхталадиган бўлсак, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция (1989);
2. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга болаларнинг қуролли можароларга жалб қилиниши тўғрисида”ги Факультатив протокол (2002);
3. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга болалар савдоси, бола фоҳишабозлиги ва бола порнографияси тўғрисида”ги Факультатив протокол (2002);

⁶⁶ Хамидова М.А. Ювенал юстиция у қандай бўлиши керак? Рисола./Масъул муҳаррир ю.ф.д. Х.Бобоев.- Т.ДЮИ.2006.-406

⁶⁷ <http://lib.sale/yuvenalnaya-yustitsiya-pravo/322-yuvenalnyie-sudyi-dve-33742.html>



4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари («Пекин қоидалари») (1985);

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари («Ар-Риёд дастурий принциплари») (1990);

6. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қамокда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари («Токио қоидалари») (1990).

7. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари (1990).

Юқорида таъкидланган ҳужжатларнинг умумэтироф этилган нормалари мамлакатимизда ҳам вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Сабаби ушбу халқаро стандартлар ривожланган давлатларнинг бир неча асрлик тарихий даврларида турли ўзгариш ва қўшимчалар билан бугунги кундаги барча учун тушунарли ва мақбул бўлган ҳужжат шаклига келтирилган.

Масалан, БМТнинг вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун бошқарув принциплари (**Ар-Риёд бошқарув принциплари**) вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси стандартларини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат саналади⁶⁸.

Хусусан, принципларнинг **28-моддасида** мактаблар юқори таълим даражасига чиқиши кераклиги, бунда уларнинг фаолиятини баҳолаш орқали мунтазам равишда назорат қилиб турилиши белгиланган.

Ёки, 38-моддасида уйсиз ва қаровсиз қолган болаларга тегишли хизматлар кўрсатишга давлат муассасалари масъул эканлиги, 46-моддасида ёш болаларни тарбиявий муассасаларга жойлаштиришга охирги чора сифатида қаралиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга оид БМТнинг минимал стандарт қоидалари⁶⁹ (**Пекин қоидалари**)нинг 12-моддасида вояга етмаганлар жиноятчилиги олдини олишга масъул бўлган полиция ходимлари махсус таёргарликдан ўтиши, бунинг учун полиция махсус бўлинмалари ташкил этилиши зарурлиги белгилаб қўйилган.

⁶⁸ Руководящие принципы Организации Объединенных Наций для предупреждения преступности среди несовершеннолетних (Эр-Риядские руководящие принципы). Приняты резолюцией 45/112 Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1990 года.

https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml

⁶⁹ Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила). Приняты резолюцией 40/33 Генеральной Ассамблеи от 29 ноября 1985 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml





Республикаларда умумий ўрта таълим мактабларининг ички назоратида турувчи ўқувчилар билан тизимли ишлаш⁷⁰, муаммоли ўқувчилар билан манзилли ишлаш⁷¹ вазифаси Ички ишлар ҳамда Миллий гвардия тузилмаларида вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларга юклатилганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур халқаро стандарт ҳам миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган.

Қайд этиш керакки Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишга бағишланган алоҳида бобни шакллантиришда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” (1948), “Бола ҳуқуқлари Декларацияси” (1959), “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт (1966), БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси (1989), Озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганларнинг ҳимоясига оид БМТ қоидалари (1990) ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар резолюциялари талаблари инобатга олинган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида БМТ доирасидан ташқарида ташкил қилинган Халқаро гуманитар масалалар бўйича мустақил комиссия “қўча” болалари муаммосига алоҳида эътибор қаратди.

Комиссия ўз ҳисоботида уларни назоратсиз болалар деб атаган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра уларнинг сони вояга етмаганлар умумий сонининг 30 фоизини ташкил этган.


Бола ҳуқуқларини махсус тартибга солишга қаратилган декларациялар ва конвенциялар ҳақида сўз борганда, аввало 1924 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Женева декларацияси ва 1959 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация тилга олинади, сўнгра эса 1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳамда ушбу Конвенцияга доир 2002 йилги икки болаларнинг ҳужжат қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Қўшимча протокол ва Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протоколлар таъкидланади.

Бола ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий халқаро ҳужжатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Европа минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар. (*“Болаларга ҳомийлик қилиш, уларга ҳомийлик қилишни тиклаш борасидаги қарорлар тан олиш ва бажариш тўғрисида”ги (1980) ва “Болалар ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида”ги Европа конвенциялари (1996 йилда қабул қилинган ва 2000 йилда кучга кирган);*

⁷⁰ “Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Ичи ишлар вазирининг буйруғи 31.08.2021 йилдаги 318-сон буйруғи.

⁷¹ Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 02.04.2021 йилдаги ПҚ-5050-сон. <https://www.lex.uz/uz/docs/5353841>





- Африка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар. (“Бола ҳуқуқлари ва бахт-саодати тўғрисида”ги Африка конвенцияси (1991 йилда қабул қилинган ва 1999 йилда кучга кирган), “Африка ёшлари хартияси” (2006да қабул қилинган, 2011 йилда кучга кирган);

- Америка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар. (“Балоғатга етмаган болалар халқаро савдоси тўғрисида”ги (1994 йилда қабул қилинган, 1997 йилда кучга кирган), “Қайтиб келган болалар тўғрисида”ги (1989 йилда қабул қилинган ва 1994 йилда кучга кирган), “Балоғат ёшини белгилаш бўйича қонунлар коллизияси бўйича” Америка давлатлари конвенциялари (1984 йилда қабул қилинган ва 1988 йилда кучга кирган).

Қайд этиш керак, Америка қитъасига тегишли халқаро ҳужжатлар кўпроқ муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини тартибга солишга қаратилганлиги билан фарқланиб туради.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид минтақавий ҳужжатлар хусусида гап борганда, юқорида айтилганлардан ҳам кўриниб турибдики, ҳозирги мавжуд ҳужжатлар асосан Европа, Америка ва Африка қитъаларигагина тааллуқлидир⁷².

Хулоса қилиб айтганда, болалар ҳуқуқбузарлигини олдини олишга оид халқаро стандартларнинг таснифи шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, улар бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам берса, иккинчидан, бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий база универсал миқёсда ҳам, минтақавий миқёсда ҳам ривожланиб бораётганлигини, аммо бу ривожланиш суръати барча минтақаларда ҳам бир хил эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга турли минтақалардаги давлатларнинг сиёсий, иқтисодий тузумидаги фарқлар, улардаги диний ва маданий хилма-хиллик каби омиллар давлатларнинг бу соҳадаги минтақавий интеграциясига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Рустамбаев М.Х. Права человека начинаются с прав ребёнка/”Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати”мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: Янги аср авлоди, 2006. Б.12.

2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. –Тошкент. Адолат, 1999. -80 б.

3. Конвенция о правах ребенка. Принята [резолюцией 44/25](#) Генеральной Ассамблеи от 20 ноября 1989 года.

https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml

⁷² Ганибаева Ш.К. “Ювенал юстиция: Халқаро стандартлар ва Ўзбекистонда қўллаш масалалари”. Ўқув амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш маркази 2022. – 17-18 б.



4. Действующее международное право. В 3-томах. Составители Ю.М.Колосов, Э.С.Кривчикова. Т.2, –М., Издво Московского независимого института международного права. 2017.-С.69.

5. Хамидова М.А. Ювенал юстиция у қандай бўлиши керак? Рисола./Масъул муҳаррир ю.ф.д. Х.Бобоев.- Т.ДЮИ.2006.-406

6. <http://lib.sale/yuvenalnaya-yustitsiya-pravo/322-yuvenalnyie-sudyi-dve-33742.html>

7. Руководящие принципы Организации Объединенных Наций для предупреждения преступности среди несовершеннолетних (Эр-Риядские руководящие принципы). Приняты [резолюцией 45/112](#) Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1990 года.

8. Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила). Приняты [резолюцией 40/33](#) Генеральной Ассамблеи от 29 ноября 1985 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml

9. “Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Ичи ишлар вазирининг буйруғи 31.08.2021 йилдаги 318-сон буйруғи.

10. Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 02.04.2021 йилдаги ПҚ-5050-сон. <https://www.lex.uz/uz/docs/5353841>

11. Ганибаева Ш.К. “Ювенал юстиция: Халқаро стандартлар ва Ўзбекистонда қўллаш масалалари”. Ўқув амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази 2022. – 17-18 б.